

---

**"Турон" футбол клубининг мавсумолди тақдимот маросими  
Ўзбекистон тумани ҳокимлиги анжуманлар залида ўтказилади**

Хабарингиз бор, "Турон" футбол клуби янги мавсумдан Coca Cola Суперлигасида иштирок этади. Шу муносабат билан жорий йилнинг 7-март куни Ўзбекистон тумани ҳокимлигининг анжуманлар залида мавсумолди тақдимот маросими ташкил этилади.

Тақдимот маросимида таркибга янги жалб этилган футболчиларни таништирув жараёни, мавсум давомида фойдаланиладиган либослар тақдими, жамоавий фотосессиялар ўтказилади. Шунингдек, мазкур маросим давомида клубимиз мураббийлар штаби иштирокида мавсумолди матбуот анжумани ҳам ташкил этилади.

Шу куни соат 14:00 да бошланадиган тақдимот маросимига барча оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналист ва блогерлар ҳамда футбол мухлисларини таклиф этиб қоламиз!

**"Турон" футбол клуби матбуот хизмати**

2021-03-05 00:48:00